



ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ЁШЛАР КЕНГАШИ

МАЖЛИС ҚАРОРИ

2013 йил 14 май
шаҳри

№ 1-6

Тошкент

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ёшлар Кенгашининг 2013 йил 30 апрелдаги “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ёшлар Кенгаши Мажлиси оралиғидаги фаолияти ва 2013 йилдаги устувор вазифаларни белгилаш тўғрисида”ги 6-3 сонли қарори ҳақида

Тармоқ тасарруфидаги ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ёшларни жисмонан ва маънан баркамол авлод этиб тарбиялаш борасидаги ислохотлар, ишлаётган ва таълим олаётган ёшларнинг меҳнат ва ижтимоий кафолатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ёшлар кенгаши Мажлиси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ёшлар Кенгашининг 2013 йил 30 апрелдаги “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ёшлар Кенгаши Мажлиси оралиғидаги фаолияти ва 2013 йилдаги устувор вазифаларни белгилаш тўғрисида”ги 6-3 сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар тармоқ касаба уюшмалари Ёшлар кенгаши фаолиятининг 2013 йилдаги устувор йўналишлари этиб белгилансин:

- ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш;

- бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ёшлар билан ишлаш тузилмаларини тузиш яқунига етказиш ва уларнинг фаолиятини тўғри йўлга қўйиш;

- касаба уюшмалари ёшлар сиёсатини ривожлантиришда халқаро касаба уюшмалари Марказлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

- касаба уюшмаларининг ягона ахборот тизимини жорий қилинишида фаол иштирок этиш;

- касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг корхона, ташкилот ва муассасаларда амалиёт ўташи ва кейинчалик корхоналарга ишга жойлашишига кўмаклашиш, уларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш;

- ишга жойлашган ёшларга корхоналарда зарур шарт-шароитларни яратиш ва меҳнат хавфсизлиги таъминланишига эришиш;

- ёшлар ўртасида касаба уюшмаларига аъзолик афзалликларини тарғибот-ташвиқот қилиш ишларини янада жадаллаштириш;

- ёшларнинг меҳнатига оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш;

- касаба уюшмалари ёш аъзолари ўртасида маданий тадбирларни ташкил этиш, оммавий жисмоний тарбия ва спорт мусобақаларини ўтказиш, болаларни соғломлаштириш ва дам олдиришни ривожлантириш масалаларида давлат ҳокимияти, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ҳаракат қилиш ишларида иштирок этиш;

- “Обод турмуш йили” Давлат ва Марказий Кенгашнинг Дастури бажарилишида иштирок этиш.

3. Марказий кенгашнинг ҳудудлар бўйича масъул ташкилотчилари, Ўзбекистон Фанлар академияси ва Тошкент шаҳар маданият муассасалари ходимлари бирлашган касаба уюшма кўмиталари раисларига:

- 10 кун муддатда 2012 йил якунида ва 2013 йилнинг 1-чорагида амалга оширилган ишларни таҳлил этиш;

- ярим йиллик ва йил якуни бўйича кейинги ойнинг 10 кунигача иловадаги шакл асосида Ёшлар кенгаши ҳисоботини электрон шаклда Марказий кенгашга (ssalakhutdinov@talimkasaba.uz) тақдим этиш топширилсин.

4. Касаба уюшмалари туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган касаба уюшма кўмиталари Ёшлар комиссияларига:

- яратилган янги иш ўринларининг ҳаққонийлигини ўрганиш, коллеж битирувчиларини ишга жойлашиши бўйича корхона, ташкилотларни 100 фоиз мониторингга олиш, айниқса янги ишга жойлашган касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш жойларида ўрнашиб қолишлари устидан доимий равишда мониторинг олиб бориш ҳамда натижалари бўйича Марказий кенгашга таклифларни киритишда иштирок этиш;

- корхона, ташкилот ва муассасаларда амалиёт ўтаганлар ва кейинчалик ишга қабул қилинган касб-ҳунар коллежи битирувчиларига касаба уюшмалари маблағларидан моддий ёрдам кўрсатиш ишларида иштирок этиш;

- Марказий кенгашнинг веб-сайтидаги “Ёшлар кенгаши” бўлими сифати ҳамда мазмунини доимий равишда бойитиб бориш орқали касаба уюшмалари фаолиятини тарғибот-ташвиқот қилиш ишлари кўламини кенгайтириш;

- тармоқ касаба уюшмалари Ёшлар кенгаши фаолиятининг 2013 йилдаги усутувор йўналишларини ҳар бир бошланғич ташкилотдаги ёшлар билан ишлаш тузилмаларигача етказиш ҳамда бажарилишини таъминлаш топширилсин.

5. Мазкур қарор ижроосини назорат қилиш Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ёшлар кенгаши масъул котиби И.Урманов ва Марказий кенгашнинг ҳудудлар бўйича масъул ташкилотчилари зиммасига юклатилсин.

Ёшлар кенгаши раиси

С.Салахутдинов